

# O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI


*VOL. 2 ISS: 1 (2025)*

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА

INSURANCE



№	MUNDARIJA	Page
1.	YASHIL SUG'URTA ORQALI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH VA EKOLOGIYANI ASRASH <i>Yuldashev Akromjon Qurbonnazarovich, To'rayev Sherxon Mo'min o'g'li</i>	3
2.	IQLIM O'ZGARISHI TA'SIRIDAGI MOLIYAVIY YO'QOTISHLARDAN HIMOYALASHDA INDEKS SUG'URTALASHNI JORIY ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI <i>Yadgarov Akram Akbarovich</i>	6
3.	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUG'URTA BOZORINING RIVOJLANISH JARAYONLARI TAHLILI <i>Nurullaev Abdulaziz Sirojiddinovich</i>	9
4.	СУГУРТА БОЗОРИ ВА МОЛИЯВИЙ КОНВЕРГЕНЦИЯ ЖАРАЁНИДА УНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ <i>Халиков Умид Рахматуллаевич</i>	13
5.	СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ <i>Маврулова Нулуфар Абдухалиловна</i>	18
6.	REGULATORY AND FINANCIAL BARRIERS TO SME DEVELOPMENT IN EMERGING MARKETS (IN CASE OF UZBEKISTAN) <i>Tojiyev Abror Rakhmonalievich, Rakhmonaliev Abbos Abror ugli</i>	21
7.	TJORAT BANKLARIDA CHAKANA BANK MAHSULOTLARINI SOTISH AMALIYOTINING RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI <i>Yunusova Shaxlo Raximjanovna</i>	24
8.	USING MARKETING STRATEGIES TO ENHANCE THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY <i>Bobomurodov Kayimjon Homidovich</i>	29
9.	НЕЙРОМАРКЕТИНГ И ПОВЕДЕНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ: ГЛУБОКОЕ ПОНИМАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ВЫБОРА <i>Юлдашев Жамшид Абрарович</i>	32
10.	ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАГИ ТАФОВУТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ- СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ <i>Илёсова Дилбар Исмоил қизи</i>	35
11.	KORPORATIV TUZILMALARDA AKSIYALAR BOZORIDAN MOLIYAVIY RESURSLAR JALB QILISHNI TAKOMILLASHTIRISH <i>Hasanov Xayrullo Nasrullayevich</i>	38
12.	ISHSIZLIKNI KAMAYTIRISH UCHUN KICHIK VA O'RTA BIZNESNI RIVOJLANTIRISH <i>Muhammadjonova Iroda Bahodir qizi, Tohirjonov Rahmatillo Farhodjon o'g'li, Hayitaliyev Jahongir Komiljon o'g'li</i>	41
13.	SOLIQ BAZASINI ANIQLASH METODOLOGIYASIGA OID UMUMIY NAZARIYA VA YONDASHUVLAR <i>Xalikchayeva Sadokat Ilxomjonovna</i>	43



## ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАГИ ТАФОВУТЛАРНИНИНГ ИҚТИСОДИЙ- СТАТИСТИК ТАХЛИЛИ

Илёсова Дилбар Исмоил қизи

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти таянч докторант (PhD)

email: [ilyosovadilbar64@gmail.com](mailto:ilyosovadilbar64@gmail.com)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 2

Issue: 1

DOI: [https://doi.org/10.55439/INS/vol2\\_iss1/251](https://doi.org/10.55439/INS/vol2_iss1/251)

### ABSTRACT

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхши тузилган тизими ижтимоий сиёсатни самарали ишлаб чиқишда, кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатишда, асосланган қарорлар қабул қилишда, мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолашда, давлат ва ҳудудий ижтимоий дастурларининг амалга ошишини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасидаги тафовутларнинг иқтисодий- статистик тахлилининг ўрганишга қаратилган.

### KEYWORDS

*Аҳоли даромадлари, Джини коэффисентни, трансферт даромадлар, нафақа, тадбиркорликдан олинган даромадлар, меҳнат ҳақи, бюджет, индексация, истеъмол савати, аҳоли даромадлари, озиқовқат истеъмоли, ижтимоий тўловлар, модернизация, диверсификация.*

### Қирш (Введение/Introduction)

Бугун республикаимизда аҳолига ижтимоий-маданий хизматларни кўрсатиш ҳам юқори даражада олиб борилмоқда. Буни охириги йилларнинг айнан ижтимоий-маданий соҳани ривожлантиришга қаратилаётганлиги, бу бўйича махсус давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг натижаси юқори самара бераётганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистонда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга жавоб берадиган турмуш даражаси концепциясини яратишга зарурият туғилди. Мазкур концепцияни шакллантиришда сўнгги йилларда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган “турмуш сифати” концепциясининг айрим қондаларидан фойдаланиш мумкин.

Турмуш сифати концепцияси инсон жамоаларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифати (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик, таълим даражаси)ни баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан ўзининг фаровонлиги, бахт, қониқиб, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиш тўғрисида ҳам бормоқда. Масалан, соғлиқ даражаси, оилавий муносабатлар, иши, моддий аҳволи, яратувчанлик қобилияти ва ҳоказолардан қониқиб ҳаётдан қониқиб ҳосил қилишнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Шундай қилиб, турмуш сифати концепцияси инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олади. Бу муносабатлар эҳтиёжларнинг қондирилганлиги ва мавжуд имкониятларни қўлланган имкониятларга мослиги даражасини характерлайди. Маълумки, аҳоли турмуш даражасини аниқлашда «истеъмол саватчаси» тушунчасидан, яни муайян истеъмол даражасини таъминловчи товарлар ва хизматлар мажмуидан фойдаланилади. Камбағаллик мезонини аниқлаш учун эса, аввало, «истеъмол саватчаси»нинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш лозим бўлади. Айни шу вазифа 2020 йил 3 июнь кунги Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги зиммасига юклатилди.

Халқаро амалиётда аҳоли яшаш минимумини ҳисоблашнинг статистик, социологик, ресурс, норматив усуллари бор. Яшаш минимуми энг кичик миқдори таркиби турли давлатларда турлича қилиб белгиланган. Масалан, АҚШда «истеъмол саватчаси»га 300 номдаги, Германияда 475 номдаги, Англияда 350 номдаги, Россияда 156 номдаги товар ва хизматлар киритилган.

«Истеъмол саватчаси»ни учта асосий таркибий қисм - озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга ажратиш мумкин. Ундаги озиқ-овқатлар миқдори улуши аҳолининг турмуш даражаси қай даражада эканлигини белгилайди.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми «истеъмол саватчаси»да озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши зиёд. Худди шуни бартараф этиш ва «истеъмол саватчаси»да ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлари миқдорини ошириш мақсадида Президент томонидан ижро ҳокимияти олдида бир қатор вазифалар қўйилди. Бунда асосий эътибор аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, мавжуд имкониятдан самарали фойдаланишга қаратилди. Маълумки, юртдошларимизнинг аксарияти қишлоқ жойларда истикомат қилади ва уларнинг кўпчилигида томорка ерлари мавжуд. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланганлар рўйхатида турувчи фуқароларни шахсий томорқасидан даромад олишга ўргатиш иқтисодиётимизнинг асосий мақсадиридир. Тўғри, «истеъмол саватчаси»нинг ҳуқуқий асосини яратиш орқали аҳоли камбағалликдан қутулиб қолмайди, балки улар сонига аниқлик киритилади, холос. Худди шу мақсадда аҳоли даромадини оширишнинг энг самарали йўли - бу фуқароларни боқимандалик қайфиятидан халос этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтиришдан иборат бўлиши лозим. Бундан ташқари, «истеъмол саватчаси»ни тасдиқлаш ва истеъмол бюджети чегараларини белгилаш муносабати билан мамлакат иқтисодиёти, ҳудудлари ҳамда тармоқларида иш ҳақининг минимал чегараларини қайта кўриб чиқиш, иш ҳақи ва истеъмол бюджетининг минимал миқдори нисбатларини аниқлаштириш ҳамда уларни босқичма-босқич тенглаштириш амалиётини жорий қилиш зарур[1].

**Адабиётлар тахлили. (Обзор литературы / Literature review).**

МДХ давлатларининг етук олимларидан А.И. Субетто[2], И.В. Бестужев-Лада[3], В.Н. Бобкова[4] ва бошқалар ўз илмий ишларида аҳоли турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал қилишнинг илмий-назарий ҳамда услубий муаммоларининг айрим жиҳатларини очиб беришган ва ушбу масала бўйича тадқиқот натижаларига таяниб, илмий-амалий тавсиялар беришган.

Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасидаги тафовутларнинг иқтисодий- статистик таҳлилининг ўрганишга борасида С.Хачатрян[5], Н.Королева[6] ва бошқалар ўз илмий изланишларида баён этганлар.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси, ҳаёт сифатининг илмий-услубий асослари ва талқини С.Фуломов[7], Ё.Абдуллаев[8], Б.Ғойибназаров[9]лар томонидан тадқиқ этилган.

**Тадқиқот усуллари (Методология/Methodology).**

Мақолада статистик кузатиш, гуруҳлаш усуллари, мутлак, нисбий ва ўртача миқдорлар, график, иқтисодий индекслар, кўп омилли корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари, шунингдек, Panel таҳлил, VAR ва ARDL усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).**

Тадқиқот жараёнида мамлакатимизда аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати юқори бўлган. Унга кўра, 2016 йилда аҳоли жон бошига умумий даромадлари 114,9 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йил якуни бўйича 112,6 %, 2022 йил билан таққослаганимизда -6,9%га камайганлигини кўришимиз мумкин.(1-жадвал)

1-жадвал

**Аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (%) [10]**

Худудлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Ўзбекистон Республикаси	114,9	117,7	124,8	119,3	111,3	122,7	119,5	112,6
Қорақалпоғистон Республикаси	111,9	119,7	130,1	119,5	115,9	119,6	117,5	109,8
Андижон	116,6	120,2	124,1	118,2	108,4	120,3	122,9	114,8
Бухоро	114,7	120,0	127,7	116,0	112,2	123,6	118,4	109,4
Жиззах	113,5	119,0	131,0	114,2	112,6	120,9	113,9	114,8
Қашқадарё	118,4	117,2	121,5	116,9	111,5	119,4	119,9	110,2
Навоий	111,2	114,3	125,0	121,6	117,7	124,3	109,5	115,9
Наманган	115,4	120,8	120,1	120,4	111,6	122,6	121,4	109,3
Самарқанд	121,0	117,7	122,7	116,8	111,4	122,8	119,5	109,4
Сурхондарё	111,4	117,1	128,2	116,8	109,4	121,3	122,8	108,9
Сирдарё	116,5	100,9	122,2	119,7	109,4	117,0	114,4	114,8
Тошкент	110,2	113,6	122,6	120,2	116,2	123,8	112,7	113,2
Фарғона	113,0	112,1	126,7	114,3	109,1	127,4	122,8	113,5
Хоразм	115,6	123,6	132,1	117,6	109,4	128,4	124,0	102,4
Тошкент.ш	116,0	121,2	123,5	128,4	107,9	119,4	121,5	119,8

Турмуш даражасининг статистик тавсифлари унинг комплекс баҳоланишини таъминловчи ўзаро боғланган кўрсаткичларнинг кенг тизимига асосланади.

Юқоридаги жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, охириги йилларда аҳоли жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот, номинал ва реал пул даромадлари, аҳоли жон бошига тўғри келган истеъмол буюмлари, чакана товар айланиши сезиларли даражада ортган. Бунинг асосий сабаби республикамизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсадли олиб борилаётганлиги, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли турмуш даражасини ошириш манбалари ижтимоий дастурларнинг амал қилиши учун ресурс ҳосил қилиш омили ҳисобланувчи иқтисодий ўсиш билан шаклланади. Бунда аввало иқтисодий ўсиш билан ижтимоий тараққиёт ўртасидаги узвий боғлиқлик шаклланади. Турмуш даражаси статистикаси вазибаларига кишиларнинг ҳаёт фаолиятига, моддий шарт-шароитига таъсир кўрсатувчи омиллар, ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш ҳамда ечилиши муҳим бўлган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини аниқлаш қиради.

Харажатларни ким ва қачан сарфлайди? деган саволга жавоб бериш учун қуйидаги 4- жадвалдаги таққослама рақамларга мурожаат қиламиз.

2-жадвал  
**Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари динамикаси [11]**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Аҳоли жон бошига тўғри келадиغان ялпи ички маҳсулот	миңг сўм	4709,7	5650,8	6781,0	8137,2	19515,0	23500,9	27927,8	32740,6
Аҳоли жон бошига тўғри келадиغان реал пул даромадлари	миңг сўм	3577,1	4292,4	5150,9	6181,1	10734,3	13416,8	15948,3	18201,2
Жон бошига ницлаб чиқарилган истеъмол буюмлари	миңг сўм	814,0	976,8	1171,2	1405,2				
Жон бошига тўғри келадиغان чакана товар айланиши	миңг сўм	1890,1	2268	2721,6	3265,2	5828,4	6206,3	7593,3	9075,2
Врачлар сони	миңг	81,5	81,7	81,3	81,7	93,3	94,7	100,5	105,7
Мақтаб ўқувчилари	миңг	4695,3	4579,4	4491,0	4489,7	6287,9	6304,6	6645,1	6645,1
Олий ўқув юртлиари талабалари сони	миңг	259,3	261,3	281,3	298,3	328,7	461,0	618,0	8337,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика агентлиги маълумотлари

У ёки бу мамлакатнинг тараққиёти тўғрисида сўз юритилса энг аввало жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот ёки истеъмол моллари каби кўрсаткичларга мурожаат қилинади. Аммо бу мақсад учун оила харажатлари тузилмасини тавсифловчи кўрсаткичлардан ҳам фойдаланса бўлади. Бу кўрсаткич мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тавсифловчи кўзгу вазифасини бажариши мумкин.

3-жадвал  
**Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари динамикаси [12]**

Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Аҳоли умумий даромадлари, млрд.сўм	236893,1	300842,7	365735,6	414968,7	519181,4	634797,0	728826,1
Ўтган йилга нисбатан, % да	119,7	127,0	121,6	113,5	125,1	122,0	115,0
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, миңг сўм	7314,1	9128,6	10891,3	12122,2	14869,8	17807,3	20015,9
Ўтган йилга нисбатан, % да	117,7	124,8	119,3	111,3	122,7	119,5	112,6
Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд.сўм	216400,1	255971,0	319336,1	367456,6	468448,4	569631,2	662749,9
Ўтган йилга нисбатан, % да	109,3	108,1	106,1	100,5	112,9	109,5	104,6
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, миңг сўм	6681,4	7767,0	9509,6	10734,3	13416,8	15979,3	18201,2
Ўтган йилга нисбатан, % да	107,5	106,2	104,2	98,6	110,7	107,5	102,4

Харажат тузилмасида озик-овқат учун қилинган сарф салмоғи қанчалик юқори бўлса, мамлакат шунчалик қашшоқ ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда аҳоли жон бошига даромадлари аҳолининг жами умумий даромадларини доимий аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиш орқали ҳисобланади. Кузатув натижаларига кўра, аҳоли даромадларининг ошиши ва турмуш даражасининг яхшилланиши натижасида жами истеъмол харажатлари таркибинда озик-овқат маҳсулотларини харид қилиш салмоғининг барқарорлашиб бориши билан бир қаторда, ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматларга сарфланадиган харажатлар улуши ортмоқда. Бундан ташқари, АКТ воситалари (шахсий компьютерлар,

яъни столга кўйиладиган, кўчма компьютер (ноутбук, нетбук), планшет ва бошқа ёнида олиб юриладиган компьютер ҳамда уяли алоқа телефонлари)нинг аҳоли ҳаётига шиддат билан кириб келиши ва бу воситаларнинг имкониятлари кундан кунга кенгайиб бориши аҳоли учун алоқа қилиш, ахборот алмашиш ва дунёдаги янгиликлардан тезкор хабардор бўлиш баробарида ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятини яратиб бермоқда.

4-жадвал  
Ишчи ва хизматчилар оиласидаги харажатлар тузилмаси (2022 йил, фоиз)[13]

Мамлакатлар	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кийим-кечак ва оёқ кийим	Уй жой харажати	Транспорт харажати	Ўқиш ва даволаш харажати
МДХ	40,0	20,0	8,0	8,0	3,0
АҚШ	10,0	6,5	25,5	13,5	17,5
Япония	15,0	6,0	24,0	10,0	15,0
Германия	17,0	8,5	30,0	15,5	8,5
Франция	16,0	7,0	27,0	17,0	10,0
Италия	20,0	10,0	23,5	13,0	10,0
Австрия	15,0	6,5	29,5	13,0	12,5

Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сон қарори билан тасдиқланган "Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом"га асосан ҳисобланди. Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ҳисоблаш 7 босқични қамраб олади. Ҳисоблашнинг асосий босқичлари таҳлилида бир киши истеъмол қилган 1 ккал энергиявий қиймат нархини аниқлаш ва Энгел коэффициентини аниқлаш орқали сифатли ўзгаришларни ҳисобга олишга ва гуруҳлашга имкон беради. [14]

Таҳлилларимизга кўра, республикамиз ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар мамлакатимизда бугунги кунда 11 фоизни ташкил этади. Бу 4,0-4,5 миллион нафарга тенг. Уларнинг бир кунлик даромади 10 - 13 минг сўмдан ошмас экан. Давлатимиз раҳбарининг фикрига кўра, «камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволашни, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак».[15]

## References:

1. Ш.М.Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурижаатномаси" Халқ сўзи, 30 декабрь 2020 йил, №271-272.
2. Субетто А. И. Начала теории социального менеджмента качества. Ноосферно-социальная парадигма: [научная монография] / А. И. Субетто; под науч. ред.
3. Бобкова В. Н. ; Ноосферная общественная акад. наук [и др.]. — Санкт-Петербург : Астерион, 2012. — 263 с. ISBN 978-5-94856-965-9;
4. Бестужев-Лада И. В. Социальное прогнозирование. Цикл лекций. — Педагогическое общество России, 2002. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 25.08.2006.
5. Хачатрян С. Р., Тарасова Н. А., Тарасова М. С. Динамика и прогноз скрывааемых элементов занятости и доходов // Экономическая наука современной России. — 2016. — №. 4. — С. 49-67;
6. Королева Н. В. Место и роль домашних хозяйств в системе социально-экономических отношений в переходной экономике. — 2003;
7. Макроэкономическая статистика. Фуломов С.С. таҳрири остида. Т.: Дитаф. 2002. — 275 б;
8. Абдуллаев Ё. Макроэкономическая статистика: 100 саволга 100 жавоб — Т.: Мехнат, 1998. — 382б;
9. Фойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Т.: "ФАН", 2005.-125 б.
10. Давлат статистика агентлиги расмий веб-сайти: <https://stat.uz/>.
11. Давлат статистика агентлиги расмий веб-сайти: <https://stat.uz/>.
12. Давлат статистика агентлиги расмий веб-сайти: <https://stat.uz/>.
13. Давлат статистика агентлиги расмий веб-сайти: <https://stat.uz/>.
14. Zikriyoyev , A. . (2024). AHOLI TURAR JOYLARIDA YONG'IN RISKLARINING OLDIN OLIISH MUNOSABATLARI . Страховой рынок Узбекистана, 1(8), 1–4. [https://doi.org/10.55439/INS/vol1\\_iss8/140](https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss8/140)
15. Baratova , D. ., & Yo'ldoshova , A. (2024). O'ZBEKISTONDA HAYOT SUG'URTASINI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI . Страховой рынок Узбекистана, 1(8), 5–7. [https://doi.org/10.55439/INS/vol1\\_iss8/141](https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss8/141)

Бизнинг фикримизча, марказдан маҳаллагача камбағалликдан фақат ўша қатламга мансуб одамлар жабр чекади, дейиш нотўғри тушунча. Бу нафақат аҳоли, балки давлатнинг ҳам қатта дарди ва хатто, айтиш мумкинки, фожиасидир. Бу ҳолат халқнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказди. Шунингдек, унинг оқибати Давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади. Чунки камбағал тоифа жадал иқтисодий ўсишдан фойда кўра олмайди. Жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти ҳам чекланган бўлади.

Давлат эса бепул ўрта таълимни таъминлаш, тиббий хизматларнинг асосий пакетини қоплатиш, ижтимоий заиф, деб таснифланган гуруҳларга ихтисослашган ёрдам ва кам таъминланган оилаларга имтиёзлар беришга мажбур бўлади. [15]

Дунёда иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муносабатлари жадал ривожланипти. Янгидан-янги тармоқлар пайдо бўлмоқда. Табиийки, бундай шароитда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатсиз ҳам яхши даромад олиш, ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Худди шундай, мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ордан диплом эмас, муайян малака талаб этадиган замонавий иш ўринлари очилапти. Бундай вазиятда ишлашга иштиёқи бор ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади. Зеро, ҳунарли ва ишли кишилар жамият ҳаётига тез мослашиб, кейинчалик истақларига мос имкониятларни қидириб топиш кўникмасига эга бўлади.

## Хулоса (Заключение/Conclusion).

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кўзланган эзгу мақсадларнинг рўйи эса нафақат юртдошларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга, балки мамлакатимизнинг жаҳондаги ривожланган давлатлар сафига қўшилишига мустаҳкам замин яратди.

1. Аҳоли даромадлари ва уларнинг табақалашуви ўзаро чамбарчас боғланган, мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория саналади. Тадқиқотда ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқликда аҳоли турмуш даражасини тўлароқ таҳлил қилишга имкон берувчи статистик кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.

3. Худудлардаги аҳоли даромадлари орасидаги тебранишлар ва ўзгарувчанликни баҳолаш мақсадида ўртача даромад, модал даромад, медиана, дисперсия ва вариация коэффициентларини комплекс таҳлил қилиш ҳисобига аҳоли даромадлари ва табақалашувининг статистик кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган.